**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ 1-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН**

**НУКУС 2025**

## 1. МАСОФАВИЙГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШ

***1.*** *Ректор номига ариза;*

***2.*** *Паспорт нусхаси (4 дона);*

***3.*** *Диплом ёки аттестат (иловаси билан бирга) асил нусхаси;*

***4.*** *Фойдаланилган имтиёз гувоҳномасининг асил нусхаси (IELTS сертификати, тегишли Вазирлик томонидан берилган тавсиянома ва шу кабилар, агар бўлса) ;*

***5.*** *3,5 х 4,5 рангли фото(12 дона электрон шакли билан бирга);*

***6.*** *Ҳужжатлар тўплами (папка скоросшиватель 2 дона);*

***7.*** *Конверт А5 форматида (2 дона)*

***8.*** *Йўлланмалар билан талабаликга тавсия этилганлар учун (йўлланма берадиган ҳужжатнинг асоси, агар бўлса);*

***9.*** *ДТМ рухсатномаси ва талабаликка тавсия этилган балини чиқарилган нусхаси;*

***10.*** *Абитуриентнинг СТИР номери (ИНН).*

## 2. КРЕДИТ МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚИШ ТАРТИБИ

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**2020 йил 31 декабрдаги**
**824-сон қарори**

### *1. Баҳолаш мезони*

**GPA (Grade Point Average)** - таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K1 * U1 + K2 * U2 + K3 * U3 \ldots + Kn * Un}{K1 + K2 + K3 \ldots + Kn}$$, бунда:

**K** - ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

**U** -ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо;

## Баҳоларни концентрация қилиш жадвали
## (5 баллик тизимдан фойизга)

| 5 баллы | 100% шкала | 5 баллы | 100% шкала | 5 баллы | 100% шкала |
|---|---|---|---|---|---|
| 5,00-4,96 | 100 | 4,30-4,26 | 86 | 3,60-3,56 | 72 |
| 4,95-4,91 | 99 | 4,25-4,21 | 85 | 3,55-3,51 | 71 |
| 4,90-4,86 | 98 | 4,20-4,16 | 84 | 3,50-3,46 | 70 |
| 4,85-4,81 | 97 | 4,15-4,11 | 83 | 3,45-3,41 | 69 |
| 4,80-4,76 | 96 | 4,10-4,06 | 82 | 3,40-3,36 | 68 |
| 4,75-4,71 | 95 | 4,05-4,01 | 81 | 3,35-3,3,31 | 67 |
| 4,70-4,66 | 94 | 4,00-3,96 | 80 | 3,30-3,26 | 66 |
| 4,65-4,61 | 93 | 3,95-3,91 | 79 | 3,25-3,21 | 65 |
| 4,60-4,56 | 92 | 3,90-3,86 | 78 | 3,20-3,16 | 64 |
| 4,55-4,51 | 91 | 3,85-3,81 | 77 | 3,15-3,11 | 63 |
| 4,50-4,46 | 90 | 3,80-3,76 | 76 | 3,10-3,06 | 62 |
| 4,45-4,41 | 89 | 3,75-3,71 | 75 | 3,05-3,01 | 61 |
| 4,40-4,36 | 88 | 3,70-3,66 | 74 | 3,00 | 60 |
| 4,35-431 | 87 | 3,65-3,61 | 73 | **3,00 тен кем** | **60 тан кем** |

### *2. Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари*

*Бир фанга ажратилган аудитория соатининг **25** фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди* ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Қорақалпоқ давлат университети талабаларни курсдан курсга ўтказишда GPA кўрсаткичи **2,6** талаб қилади.

GPA ўтиш баллини тўплай олмаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун **1** курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг **8** йилгача деб белгиланади.

Бир семестрда **30** кредитдан кўп бўлмаган, бир ўқув йилида **60** кредитдан кўп бўлмаган кредит тўплаши белгиланиб қўйилган. Умумий **4** йил давомида **240** кредит тўплаши зарур.

**60610100 – Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича)** **8 219 893**

**60370100-Иқтисодиёт** **10 461 628**

**60420100 – Юриспруденция** **11 208 945**

1.

=

Базавий тўлов контракт миқдори (**8 219 893** сўм)

Ўқув йилида режалаштирилган кредитлар миқдори (**60** кредит)

Бир кредит миқдори (**136 998,22** сўм)

2.

Бир кредит миқдори (**136 998,22** сўм)

Ўзлаштира олмаган фаннинг кредит миқдор (**4** кредит)

Ўзлаштира олмаган фаннига тўлов миқдори (**547 992,88**

# 3. ZOOM ДАСТУРИДАГИ ТАЛАБЛАР

ZOOM дастурини ўрнатганингиздан сўнг дастур ярлиги иш столида пайдо бўлади. Дастурни ишга туширганда қўйидаги шаклдаги ойна пайдо бўлади.




Дастур ойнасидан “***Регистрация***” бўлимидан рўйҳатдан ўтиш талаб қилинади. Бунинг учун “***Регистрация***” тугмаси босилади.




Туғилган йилингизни киритиб “***Продолжить***” тугмаси босилади.




Электрон почтангиз(аккаут)ни киритиб “***Продолжить***” тугмаси босилади.







Электрон почтангизга келган хатни очиб, белгиланган хаволани очамиз ва ойнада логин ва пароль пайдо бўлади.







"**ВХОД**" тугмасини босиб дастурни ишга туширамиз




Дастур ўрнатилгандан сўнг белгиланган жадвал асосида ўқитувчи берган **ZOOM** манзили орқали дарсга қатнашиш мумкин бўлади.

## 4. ***dist.karsu.uz*** ПЛАТФОРМАСИДА ИШЛАШ

Moodle – бу ўқитувчилар томонидан онлайн-курсларни яратиш учун махсус ишлаб чиқилган сайт таркибини бошқариш тизими (Content Management System - CMS) дир. Уни кўпинча e-learning тизимларни ўқитишни бошқариш тизимлари (Learning Management Systems - LMS) ёки виртуал ўқитиш воситаси (Virtual Learning Environments - VLE) деб ҳам аташади.

Moodle – бу алоҳида онлайн-курслар каби, таълим веб-сайтларини ишлаб чиқувчи инструментлар соҳасидир. Лойиҳа асосида социал конструктивизм назарияси ва уни ўқитишни ишлатиш ётади.

1. Платформага кириш:

Тизимга кириш учун браузер адрес сатридан ***dist.tdaunukus.uz*** веб манзили киритилади. Браузер ойнасида қуйидаги расм пайдо бўлади:

**Moodle** тизимида ишлаш учун дастлаб ўнг юқориги бурчагидаги **Вход (LogIn)** тугмасини босамиз, натижада тизимга кириш ойнаси ҳосил бўлади.




Moodle тизимида фойдаланувчи паролини ўзгартирмоқчи бўлса камида 8 та символдан иборат бўлиши шарт. Бунда танланаётган паролда:

-камида 1та рақам,

-камида 1та бош ҳарф,

-камида 1та кичик ҳарф

-камида 1та рақам ва сон бўлмаган символ иштирок этиши лозим.

Масалан: **!qE2-dw9** ёки **Red$4jb** ёки **ed%-4Ere** кўринишларида.

Талаба ***dist.**tdaunukus.**uz***платформага кирганда **Мой курс**” бўлимида фанлар рўйхати чиқади.




Шу фанларни талаба дарс жадвалида белгиланган кунда ўқиши шарт.

***ЭСЛАТМА: Ҳар бир фойдаланувчи платформадаги логин ва паролларига ўзлари жавобгардир.***

## 5. **hemis.**tdaunukus**.uz ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Hemis дастурида ўқитувчи ўтган дарсига шу пайтнинг ўзида назорат белгисини қўйиб боради. Агар талаба **ZOOM** дастуридаги дарсига кирмаса(дастурда видеосини қўшиб қўйиш талаб қилинади) ёки дастурда гуруҳи, фамилияси ва исмини тўлиқ кўрсатмаган бўлса, у талабага дарсга қатнашмаган белгисини қўйиб боради. **dist.karsu.uz** платформасида дарс жадвалида белгиланган вақитда дарсга кириб шу кунги топшириқларни ўз вақтда бажармаса у ҳолда талаба дарсга қатнашмаган ҳисобланади. Назорат қилиш платформада "**Журнал событий**" бўлимидан олиб текширилиб борилади.

Талабалар учун **Hemis** дастурида логин ва пароль берилади ҳар бир фандан йўқламаларни ва олган баҳоларини кўриб боришлари мумкин бўлади.

## 6. ТАЛАБАДАН ТАЛАБЛАР:

**1. Ноутбук ёки веб камераси бор компьютер;**

**2. ZOOM дастурини компьютерига ўрнатиш (дастурда гуруҳ номини ва фамилиясини исмини тўлиқ ёзиб қўйиш);**

**3. ZOOM дастурида ўтиладиган дарсларга вақтида қатнашиш;**

**4. dist.**tdaunukus**.uz платформада берилган топшириқларни вақтида бажариш;**

**5. Имтиханларни ўқув муассасага келиб топшириши керак.**

***Эслатма:*** *Агар дарсга кечигиб кириб ёки топшириқларни вақтида бажармаса дастур томонидан назорат қилинади ва белгиланган тартибда талабага чора қўлланилади.*

**ЭТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!**